

Боймирзаев А. Э.
доцент
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
академияси ҳузуридаги
Фуқаро муҳофазаси институти
Тошкент, Ўзбекистон

АҲОЛИНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш масалалари, аҳолининг билим ва кўникмаларини оширишдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалий ечимлар таклиф этилган. Хусусан, таълим тизимида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асосларини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, аҳолини амалий машғулотларга жалб этиш орқали тайёргарлик самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: фавқулодда вазият, аҳоли тайёргарлиги, хавфсизлик маданияти, таълим тизими, амалий машғулотлар, ахборот технологиялари.

Boymirzaev A. E.,
Associate Professor, Civil
Defense Institute under the Academy of the Ministry of Emergency
Situations, Tashkent, Uzbekistan

PREPARING THE POPULATION FOR ACTION IN EMERGENCY SITUATIONS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Abstract.

This article analyzes the issues related to preparing the population for appropriate actions in emergency situations, examines existing challenges in enhancing public knowledge and skills, and proposes practical solutions to address them. In particular, special attention is given to improving the fundamentals of life safety within the education system, the effective use of mass media and digital technologies, and increasing the effectiveness of preparedness through the active involvement of the population in practical training activities.

Keywords: *emergency situations, population preparedness, safety culture, education system, practical training, information technologies.*

Кириш. Бугунги глобаллашув ва илмий-техник тараққиёт шароитида инсоният олдида янги имкониятлар билан бирга турли хил таҳдид ва хавф-хатарлар ҳам пайдо бўлмоқда. Табиий фавқулодда вазиятлар – зилзила, сув тошқини, қурғоқчилик, довул ва кўчкилар, шунингдек, техноген фавқулодда вазиятлар - авариялар, йирик саноат объектларида содир бўладиган портлаш ва ёниш ҳолатлари, транспорт воситаларидаги йўл-транспорт ҳодисалари аҳоли ҳаёти ва соғлиғига катта хавф туғдиради. Шу билан бирга, экологик муаммолар ва замонавий қуроллардан келиб чиқиши мумкин бўлган хавфлар ҳам жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда [4].

Фавқулодда вазиятларда аҳоли ҳаракатларининг самарадорлиги уларнинг олдиндан тайёргарлиги, зарур билим ва кўникмаларга эгалиги, хавфни тўғри англай олиши ва фавқулодда вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш қобилияти ҳамда тўғри ҳаракат қилиш кўникмасига эга бўлишига бевосита боғлиқдир. Шундай экан, аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш нафақат миллий хавфсизликнинг, балки ҳар бир инсон ҳаёти ва саломатлигининг муҳим кафолати ҳисобланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, аксарият ҳолатларда аҳолининг тайёргарлик даражаси етарли эмаслиги сабабли фавқулодда вазиятларнинг оқибатлари оғирлашиб кетади. Масалан, хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмагани, эвакуация тартибини билмаслик ёки биринчи тиббий ёрдам кўрсата олмаслик кўплаб инсонлар ҳаётига зомин бўлади. Шу боис аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш жараёни тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилиши лозим [5].

Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш масалалари давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда зарур қонунчилик базаси яратилган ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда бошқа тегишли мутасадди вазирликлар, идоралар, ташкилотлар фаолият юритмоқда. Бироқ амалиётда айрим муаммолар – таълим муассасалари дастурларида етишмовчиликлар, аҳоли ўртасида тарғибот ишларининг етарли даражада самарали ташкил этилмаганлиги, инновацион технологиялардан тўлиқ фойдаланмаслик ҳолатлари сақланиб қолмоқда [4].

Мазкур мақоланинг асосий мақсади – аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашда мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш, уларнинг сабабларини таҳлил қилиш ва самарали ечимлар таклиф этишдан иборат. Шу билан бирга, мақолада замонавий инновацион ёндашувлардан фойдаланиш орқали аҳолининг табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини ошириш имкониятлари ҳам ёритилган.

Асосий қисм

1. Муаммолар таҳлили. Бугунги кунда аҳолини табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш ва аҳоли ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш йўналишида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1.1. Аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш соҳасида билим ва кўникмаларининг етарли эмаслиги. Уюшмаган аҳоли, потенциал хавфли иқтисодиёт объектлари атрофида яшайдиган аҳоли табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилиш кераклигини яхши билмайди ёки етарлича амалий кўникмага эга эмас.

Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

таълим тизимида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишига етарлича эътибор қаратилмаганлиги;

аҳоли орасида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданияти етарли даражада шаклланмаганлиги, турли фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича амалий кўникмаларга эга эмаслиги;

мактабгача таълим муассасалари ҳамда уюшмаган аҳоли орасида амалий машғулотларининг ўтказилиш даврийлигининг узоқлиги, иқтисодиёт объектларида ўтказиладиган ўқув машғулотлари сифат даражасининг пастлиги ва бу машғулотларга объект атрофида яшовчи аҳолининг кенг жалб этилмаслиги.

Натижада, турли хил табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлар (зилзила, сел, тошқин, ер кўчкиси, қор кўчкиси, кучли шамоллар, ёнғинлар, кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, транспорт авариялари ёки бошқа йирик техноген авариялар) пайтида аҳоли орасидаги ваҳима, тўғри ҳаракат қилишни билмаслик кўплаб инсонларнинг жароҳат олишига ёки ҳалок бўлишига сабаб бўлади [4].

1.2. Таълим тизимидаги муаммолар.

Мактаб, коллеж ва олий таълим муассасаларида фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш билан боғлиқ фан дастурлари етарли даражада чуқур ўргатилмайди, махсус адабиётлар етишмайди. Аксарият ҳолатларда талабаларни ўқитиш масаласи назарий ёки статистик маълумотлар бериш билан чекланиб, амалий машғулотларга кам вақт ажратилади ёки умуман амалий машғулотлар бажарилмасдан қолади. Бу эса ёш авлоднинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасидаги кўникмалари етарли даражада шаклланмаслигига сабаб бўлади.

1.3. Аҳолига фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда ҳаракат қилиш бўйича ахборот тарқатишдаги муаммолар.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда аҳолининг ҳаракатлари мавзусида оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва мақсадли тарғибот ишлари олиб борилиши етарли даражада эмас. Теле- ва радиодастурларда аҳоли ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидаларига оид материаллар кам учрайди, интернет ва ижтимоий

тармоқларда эса асосан маълум бир воқеа содир бўлгандан сўнггина маълумот тарқатилади. Бу ҳолат аҳолининг олдиндан тайёргарлигини пасайтиради.

1.4. Амалиёт ва машғулотларнинг камлиги

Аҳоли орасида фавқулодда вазиятларда аҳолини ва моддий ҳамда маданий бойликларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш бўйича амалий машғулотлар, жабрланувчиларга биринчи ёрдам, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тренинглари ва ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тартиблари бўйича амалий машғулотлар етарли даражада ўтказилмайди. Айрим ҳолатларда бундай машғулотлар фақат давлат ташкилотлари ва йирик иқтисодиёт объектлари раҳбарлари, кутқарув тузилмалари ходимлари учун ташкил этилади, кенг аҳоли қатламлари, объектлар атрофида яшайдиган аҳоли эса четда қолади [6].

1.5. Иқтисодий ва техник ресурслар чекланганлиги

Ҳимоя воситалари (радиация ва кимёвий муҳофаза костюмлари, ўлатга қарши костюмлар, газниқоблар, биринчи ёрдам сумкалари) барча ҳудудларда етарлича таъминланмаган. Ҳимоя иншоотлари етарли эмас, мавжудлари ҳам фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келиб қолган, зарур воситалар ва жиҳозлар билан таъминланмаган, аҳоли хавфсизлигини таъминлаб бера олмайди. Айрим қишлоқ ҳудудларида бу ҳимоя воситалари умуман мавжуд эмас. Маҳаллий ҳокимият ва иқтисодиёт объектларида бу йўналиш учун маблағ ажратилишининг чекланганлиги сабабли фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишни ўргатувчи замонавий тренажёрлар, VR симуляторлар ва махсус ўқув ускуналари амалиётга жорий этилмаяпти.

1.6. Қонунчилик ва назорат тизимидаги камчиликлар

Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда Фуқаро муҳофазаси ва аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш соҳасида қонунчилик асослари мавжуд бўлса-да, унинг жойларда ижроси доимий ва самарали таъминланмайди ёки назорат қилинмайди. Айрим ташкилотлар ва корхоналарда фавқулодда вазиятларда хавфсизлик бўйича тадбирлар фақат расмий ҳисобот учун ўтказилади, аммо амалда аҳолига ва объектлар ишчи ходимларига керакли кўникмаларни бермайди.

1.7. Руҳий тайёргарликнинг йўқлиги

Фавқулодда вазиятлар пайтида аҳолида ваҳима, қўрқув ва саросима кучли бўлади. Руҳий жиҳатдан тайёргарликнинг етарли эмаслиги аҳолининг тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини пасайтиради. Бу эса фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш ва эвакуация жараёнида оммавий тартибсизликлар ҳамда қўшимча ноқулайликларни келтириб чиқаради.

2. Юқорида келтирилган муаммоларнинг ечимлари бўйича қуйидагилар таклиф қилинади:

таълим тизимини такомиллаштириш. Умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари фан дастурларига ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва фуқаро муҳофазаси фанларини чуқурроқ киритиш;

аҳоли орасида оммавий тарғиботни кучайтириш. Телевидение, радио, газета, интернет ва ижтимоий тармоқларда мунтазам равишда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда ҳаракат қилиш юзасидан амалий маслаҳатлар ва ўқув материалларини тарқатиш;

аҳолини жалб қилган ҳолда ўтказиладиган амалий машғулотларини йўлга қўйиш. Иқтисодиёт объектларида ўтказиладиган ҳар йилги эвакуация ва биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув машғулотларига аҳолини жалб этиш;

инновацион технологиялардан фойдаланиш. Мобил иловалар, онлайн-платформалар ва VR симуляторлар орқали аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш;

аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашга йўналтирилган иқтисодий ва моддий ресурслар ҳажмини ошириш. Давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида муҳофаза воситалари, ўқув қўлланмалари, эслатмалар ва кўргазмали курулларни кенг тарқатиш;

ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда Фуқаро муҳофазаси бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, назорат механизмларини кучайтириш [6], [7].

Хулоса. Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш жамият барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва инсон ҳаётини муҳофаза қилишнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бугунги кунда дунёдаги табиий, техноген ва экологик таҳдидлар миқёси ортиб бораётгани, айниқса аҳоли зич жойлашган ҳудудларда хавфларнинг кучайиши мазкур масаланинг долзарблигини янада оширмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аҳолининг кўп қисмида, айниқса уюшмаган аҳоли қатламида зарур билим ва амалий кўникмалар етарли эмас, таълим дастурларида хавфсизлик масалалари тўлиқ қамраб олинмаган, оммавий ахборот воситаларида мунтазам тарғибот ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти. Шунингдек, амалий машғулотлар етарли даражада ўтказилмаяпти, ҳимоя воситалари эҳтиёжларга қараб, барча ҳудудларда тенг тақсимланмаган ва руҳий тайёргарлик талаб даражасида эмас[14].

Фуқаро муҳофазаси ва хавфсизлик соҳасидаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, назорат механизмларини кучайтириш ҳамда давлат ва жамият ҳамкорлигини ривожлантириш орқали аҳолини тайёрлаш жараёни янада самарали бўлади. Айниқса, аҳолини амалий машғулотларга кенг жалб этиш ва уларда фавқулодда вазиятларда тўғри

қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантириш бу йўналишдаги энг самарали чоралардан бири ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг психологик тайёргарлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бунинг учун стрессни бошқариш, ғавқулодда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш маданиятини ривожлантириш ва аҳолида ижтимоий ҳамжиҳатлик руҳини мустаҳкамлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолини ғавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш жараёнини тизимли ва инновацион усуллар асосида ташкил этиш нафақат инсон ҳаётини муҳофаза қилишга, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент: Ўзбекистон, 2023й.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги Қонуни. – Тошкент, 2000.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Био ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфини мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 161-сон қарори, 2024 йил 17 апрел.
4. Махмудов И.Ф. "Ғавқулодда вазиятларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш". // Илмий ахборот, №3, 2020.
5. Ғафуров Ш., Раҳматуллаев М. "Ғавқулодда вазиятларда аҳолини ҳаракат қилишга тайёрлашнинг инновацион усуллари". – Тошкент: Фан, 2021.
6. Karimov F. “Emergency preparedness in Uzbekistan: challenges and solutions”. // Central Asian Journal of Safety Studies, Vol. 4, №2, 2020.
7. UNISDR. “Sendai Framework for Disaster Risk Reduction 2015–2030”. – Geneva: United Nations, 2015.
8. IFRC (International Federation of Red Cross and Red Crescent Societies). “Public awareness and public education for disaster risk reduction: key messages”. – Geneva, 2016.
9. WHO. “Emergency Preparedness and Response”. – World Health Organization Report, Geneva, 2021.
10. Alexander, D. “Principles of Emergency Planning and Management”. – Oxford University Press, 2013.
11. Coppola, D. P. “Introduction to International Disaster Management”. – Elsevier, 2015.
12. Haddow, G., Bullock, J., Coppola, D. “Introduction to Emergency Management”. – Butterworth-Heinemann, 2017.
13. Wisner, B., Gaillard, J. C., Kelman, I. (eds.) “Handbook of Hazards and Disaster Risk Reduction”. – Routledge, 2012.

14. Турсунов Ж. "Аҳолини фавқулодда вазиятларга психологик тайёрлаш масалалари". // Фуқаро муҳофазаси илмий журнали, №2, 2022.
15. United Nations Development Programme (UNDP). "Disaster Risk Reduction and Preparedness". – New York, 2019.